Ватан севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокчиён» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газети ● Нархи 3 сўм.

1992 йил 5 сентябрь, шанба № 176 (21 275)



Жаҳон ва ўзимизнинг амалиётимиздан олинган барча унумли тажрибани рад этмаган ҳолда ўз ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий, ҳуқуқий тараққиёт йўлимизни танлаб олиш республиканинг қатъий позициясидир.

(«ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎЗ ИСТИҚЛОЛ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ» РИСОЛАСИДАН).

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ И. А. КАРИМОВ ЖАНОБЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг бир йиллиги кунида самимий қутловларимизни қабул қилгайсиз. Эстон халқи Ўзбекистон халқи танлаб олган йўлнинг тўғрилигига ишонади. Сизнинг ёш ва мустақил давлатингиз ютуқларидан астойдил хурсанд бўлмоқда. Эстония ҳукумати ўтган бир йил халқларимиз ўртасидаги икки юз йилдан кўпроқ тарихга эга бўлган ажойиб дўстлик анъаналарининг мустаҳкамлиги тасдиқлаганини миннатдорлик билан таъкидлайди. Бу анъаналар ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги шаклларида мустаҳкамланмоқда ва камолга етмоқда. Дўстлик, ҳурмат ва ўзаро ҳамкорлик бундан буён ҳам мустақил Эстония билан Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро муносабатларни ривожлантиришнинг бош йўналиши бўлиб қолади, деб умид қиламиз. Ўзбекистон Республикаси халқига чин қалбдан тинчлик ва фаровонлик, шахсан Сизга — сиҳат-саломатлик ва халқ бахт-саодати йўлидаги фаолиятингизда муваффақият тилайман.

Эстония Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Арнольд РЮТЕЛЬ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами — Мустақиллик куни муносабати билан шахсан ўз номимдан ва Арманистон Республикасининг ҳукумати ва халқи номидан Сиз жаноби олийларини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва халқини самимий қутлайман.

Имкониятдан фойдаланиб, халқларимиз ўртасидаги давр синовидан ўтган дўстлик, ўзаро ишонч ва ҳамкорлик муносабатлари мамлакатларимиз бахт-саодати йўлида янада кенгайиши ва ривожланишига қатъий ишончимни изҳор этаман. Президент жаноблари, Сизга сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, дўст Ўзбекистон халқига — мустаҳкам тинчлик, юксалиш ва фаровонлик тилайман.

Арманистон Республикасининг Президенти Левон ТЕР-ПЕТРОСЯН.

ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ВОҚЕАЛАР ХУСУСИДА ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ

БАЁНОТИ

Сўнгги кунларда Тожикистон Республикасидаги вазият кескин тус олди. Сиёсий кураш мамлакатни фуқаролар уруши ёқасига келтириб қўйди. Қуролли тўқнашувлар натижасида қон тўкилмоқда, кўп одамлар, аввало, оддий фуқаро ҳалок бўлмоқда. Конституциявий тузум, демократик ислоҳотлар катта хавф остида қолди.

Тожикистон ва МДҲнинг жанубий чегараси мунтазам бузилмоқда, шу чегара орқали яширинча кўп миқдорда қурол-яроғ ва ўқ-дори олиб ўтилмоқда.

Биз халқаро ҳуқуқ меъёрларига, инсонийлик ва ахлоқ қоидаларига амал қилиб, халқларимиз ўртасидаги қардошлик алоқаларининг абадийлигини, Ҳамдўстлик мамлакатлари жанубий чегараларининг дахлсизлигини, Тожикистон Республикасида давлатларимиз ва халқларимиз хавфсизлигига таҳдид соладиган, минтақадаги сиёсий барқарорликни бузадиган фуқаролар уруши авж олишига йўл қўйиб бўлмаслигини маълум қиламиз.

Биз Тожикистон Республикаси ҳукуматини ҳамда сиёсий гуруҳларнинг раҳбарларини юз берган вазиятда ҳам ўз мамлакатларидаги, ҳам бутун минтақадаги аҳвол учун зиммаларидаги масъулиятни чуқур англаб ҳаракат қилишга даъват этамиз.

Табиийки, мамлакат келажагини Тожикистон халқининг ўзи белгилашга ҳақлидир. Айни пайтда мамлакатдаги вазиятни барқарорлаштиришда қардош тожик халқига кўмаклашиш, унинг мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини мустаҳкамлаш, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги жанубий чегараларининг хавфсизлигини таъминлаш учун барча зарур чораларни кўришимизга ҳеч кимда шубҳа бўлмаслиги керак.

Биз қардош Тожикистон Республикаси халқига мурожаат қилиб, мамлакатда тинчликни, фуқаролар тотувлигини, барқарорликни тиклаш учун бор кучини сарфлашга чақирамиз.

Қозоғистон Республикаси нинг Президенти Н. А. НАЗАРБОЕВ
Қирғизистон Республикасининг Президенти А. А. АКАЕВ
Россия Федерациясининг Президенти Б. Н. ЕЛЬЦИН
Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. КАРИМОВ.

«Мустақиллик—менинг ифтихорим» фототанловига

Она ва бола — гул билан лола.

В. МОЛГАЧЕВ олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИДАГИ ЭЛЧИХОНАСИДА

«Ўзбекистон овози»нинг Москвадаги жамоатчи мухбири Фахриддин ПАРПИЕВ хабар қилади

РЕСПУБЛИКАМИЗ МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

● Республикамиз шаҳар-қишлоқлари ва вилоятларида бўлгани каби Ўзбекистон Мустақиллик байрамининг бир йиллиги Москвада ҳам кенг нишонланди.

Чунончи, Ўзбекистоннинг Москвадаги элчихонасида истиқлолимиз байрамига бағишланган қатор тадбирлар амалга оширилди. Улар уч кун давом этди. Шу кунлар мобайнида москваликлар республикамизнинг мустақиллик шаронтида қўлга киритган ютуқлари билан танишишга муяссар бўлдилар.

Чет эл, Москва ва марказий оммавий ахборот воситалари ходимлари, Россия пойтахти жамоатчилиги намояндалари иштирокида матбуот конференцияси ўтказилди. Йиғилишда 70 га яқин турли газета, журнал, радио ва телекомпаниялар вакиллари қатнашдилар. Матбуот конференциясини Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Юсуф Абдуллаев очди. У Ўзбекистон тарихи, бир йил муқаддам қўлга киритилган мустақиллик ҳақида атрофлича сўзлади. Кейин савол-жавоблар бўлди.

Йиғилганлар Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китоби билан танишишга муяссар бўлдилар. Бу китобдан сиёсатшунослар, журналистлар ўзларини қизиқтирган муаммоларга жавоблар топишлари мумкинлиги таъкидланди. Айниқса, китобда МДҲга аъзо бўлган республикалар, хусусан Россия Федерацияси шаънига айтилган самимий фикр-мулоҳазалар алоҳида ўрин олганлиги қайд этилди. Шунингдек, йиғилишда Ўзбекистоннинг дунёда тутган мавқеи, келажаги ҳақида ҳам фикрлар билдирилди.

Матбуот конференциясида Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси С. Саидқосимов иштирок этди.

● Россия Федерациясида Ўзбекистон Республикасининг элчихонаси очилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Шунга қарамай элчихонада бир қатор хайрли тадбирлар амалга оширилди.

ВАТАНДОШЛАРИМИЗ ИСТИҚЛОЛ АНЕМИНИ НИШОНЛАШДИ

Жумладан, Ўзбекистон мустақиллигининг бир йиллиги муносабати билан Москвада истиқомат қилиб турган ватандошларимиз билан учрашув ташкил этилганлиги кўпчиликка маъқул келди. Ҳозир Москвада 10 мингдан ортиқ ўзбеклар яшаб, меҳнат қилишяпти.

Истиқлол байрамига бағишланган учрашувни элчи Ю. Абдуллаев очиб, йиғилган ёшу-қари, олиму аспирантлар ва талабаларни Мустақиллик куни билан табриклади. Кейин бу ерга тўпланганлар сўзга чиқиб, Ватанимиз истиқлоли ва истиқболи хусусида дил сўзларини айтдилар. Жумладан, шарқшунос олима Зебо Ғаниева, Ўзбекистон халқ депутати, космонавт учувчи Владимир Жонибековларнинг сўзлари йиғилганларда яхши таассурот қолдирди.

Учрашувда АҚШ сафаридан қайтиб келаётган Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али сўзлаб, ватандошларини катта байрам билан қутлади. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ортиқ Отажонов бошчилигидаги санъаткорларнинг чиқишлари ҳаммани хушнуд этди.

Элчихона биносида йиғилганларга ўзбекона дастурхон ёзилиб, саховатли диёримиз ноз-неъматлари тортилди. Бир пиёла чой устида суҳбатлар қурилди.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

● СИРДАРЁ

ҚИШЛОҚ БОЛАЛАРИ ЯНГИ МАКТАБДА ЎҚИШМОҚДА

● ГУЛИСТОН районига қарашли Қишлоқ болалари янги мактабларда ўқишмоқда. Октябрь жамоа хўжалигининг иккита қишлоғи ўқувчилари ўқув йилини янги қурилган мактабларда бошлаш бахтига муяссар бўлдилар.

Жамоа хўжалигининг «Ленинский путь» қишлоғида 192 ўринли, «Октябрь» участкасида эса 480 ўринли мактаб бинолари қуриб, фойдаланишга топширилди. Шу йилнинг 7 ойи мобайнида эса вилоят бўйича 2134 ўринли янги мактаб бинолари барпо этилди. Бу, Мустақиллик байрамига ўзига хос совғалардан бири бўлди.

Абдужалил УМАРОВ.

● ҚАШҚАДАРЁ

СОХИБҚИРОН ҒОРИ ҲАМ СУРАТГА ОЛИНДИ

● ФРАНЦИЯ Маданият вазирлигининг буюртмасига биноан француз кино ходимлари Ўзбекистон, хусусан Қашқадарё тўғрисида фильм яратмоқдалар.

Режиссёр Фаьен Нотьен ва муҳандис Пруст Флипп халқимиз тарихи ва ижоди, вилоят меҳнаткашларининг амалга ошираётган ишларини суратга туширдилар.

Францўз киночилари Қарши қурилиш бирлашмаси ишчи-хизматчилари ҳаёти, йирик сув иншоотлари табаррук қадамжолар ва Амир Темур ғорини ҳам суратга олдилар.

Мусо КАРОМОВ.

● БУХОРО

ҚЎШМА КОРХОНАДА 22 ХИЛ ДОРИ-ДАРМОН ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ

● БУХОРОДА «Гуфик-Абу Али ибн Сино» Ўзбекистон — Ҳиндистон қўшма корхонаси қурилишида монтаж ишларига киришилди. Мазкур корхона 22 турдаги дори-дармонлар ишлаб чиқаради.

Бунинг учун турли гиёҳлардан иборат хом ашёни ҳиндистонликлар етказиб беришади. Янги корхонада асосан Ҳиндистон ва Францияда ишлаб чиқарилган ускуналардан фойдаланилади.

Қўшма корхона қурилишига 50 миллион сўмлик маблағни ўзлаштириш кўзда тутилган. Бу маблағнинг асосий қисмини «Бухоро» ташқи алоқалар уюшмаси ўз даромади ҳисобидан ажратмоқда. Унинг қурилишини эса 20-қишлоқ қурилиш трести бинокорлари амалга оширишяпти. Қўшма корхонада келгуси йилдан маҳсулот ишлаб чиқариш мўлжалланяпти.

Нусратилло НАИМОВ.

● ХОРАЗМ

УРГАНЧДА ҚИРҚТА ҲОВУЗ БЎЛАДИ

● ВИЛОЯТ марказини янада гўзаллаштириш юзасидан яқин йилларга мўлжалланган тадбирларга асосан Урганч шаҳрининг соғ-салқин ҳамда аҳоли гавжум бўладиган, энг муҳими, ҳордиқ чиқаришига қулай деб ҳисобланган қирқ жойида қирқта ховуз бунёд этиш ишлари бошлаб юборилди.

Ховузларнинг атрофига асосан гужумлар, бошқа хил дарахт кўчатлари экилиб, кўкаламзорлаштирилади. Ана шу ховузлар ёқасида қирқта чойхона ҳам бунёд этилиб, отаҳонлар ихтиёрига топширилади. Сайёҳлар меҳмонхонаси олдида бунёд этилаётган ва яқинда фойдаланишга топширилади ган катта саҳнли ховуз яратилаётган қирқта хордиқ масканининг биридир.

Тўғри, Хоразмда чойхонага чиқиб чойхўрлик қилиш урф-одат эмас. Шунинг учун ҳам воҳада бундай хордиқ масканлари саноқли. Урганч шаҳрида бирданига қирқта ховуз ёқасида қирқта чойхона бунёд этилишига янгилик деб қаралаётгани ҳам шундан.

Эркин МАДРАҲИМОВ.

ИСТИҚЛОЛ ДОРИЛФУНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисоласини газетамизда эълон қилишни давом эттирмоқдамиз.

(Иккинчи ва учинчи бетларга қаранг).

И. А. КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎЗ ИСТИҚЛОЛ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

ЎЗБЕКИСТОН

ШАРОФ РАШИДОВ НОМЛИ ЖАМҒАРМА

ШУ КУНЛАРДА Ўзбекистон ўзининг асл фарзанди, атоқли давлат ва жамоат арбоби Шароф Рашидовнинг 75 йиллигига қизғин ҳозирлик кўрмоқда. Республика ҳукумати қарори билан тузилган юбилей комиссияси Шароф Рашидовнинг 75 йиллигига тайёргарлик кўриш юзасидан изчил иш олиб боряпти.

РЕСПУБЛИКА ҳукумат комиссияси номига, бир неча йил у муҳаррир бўлиб, узоқ йиллар доимий ғамхўрлик қилган «Ўзбекистон овози» газета редакциясига Шароф ака билан бирга ишлаган сафдошлари, уни яқиндан билган дўстлари ва маслакдошлари, пешонасига меҳрибон қўли тегиб вояга етган шогирдлари, пойқадами етиб равнақ топган шаҳар ва районлар, кўпдан кўп корхона ва хўжаликларнинг меҳнат жамоаларидан мактублар келмоқда. Улар табаррук зот Шароф Рашидовнинг республика вилоят марказлари, шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштириш, айниқса, Тошкентни замонавий кўркам пойтахтга айлантиришдаги алоҳида хизматларини таъкидлаб, унинг номини мустақил мамлакатимиз тарихида абадий қолиши зарурлигини уқтирадилар.

Ш. Рашидов бутун умри давомида саноқсиз саховатли ишларга бош бўлган эди. Бу саховатни эндиликда унинг номи билан давом эттириш ҳар бир соф виждонли ватандошимизнинг олижаноб бурчидир. Кеча газетамизда эълон қилинган Шароф Рашидов номли жамғарма ташкил этилишига ана шу фикр-мулоҳаза ва истаклар асос бўлди.

Мазкур жамғармада «Ўзбекистон овози» газета редакцияси ижодий жамоаси, республика академиялари, бир қанча вазирлик ва жамоат бирлашмалари, Жиззах ва Сирдарё вилоятларидаги меҳнат жамоалари ташаббускор бўлишди.

Қадрли дўстлар!

Шароф Рашидов номли жамғарма очиқ тусдаги, рўйрост, ошкора ишлайдиган, партиялар, давлат ва сиёсатдан холи, фақат республика равнақи йўлида иш кўрадиган жамоат бирлашмасидир. Унинг ниятлари холис, мақсадлари аниқ. Жамғарма ишига холисанилло кўмаклашиш Шароф Рашидовнинг сафдошлари, ёру дўстлари, уни билганиган кишилар, барча ватандошларимизни бефарқ қолдирмайди деб ўйлаймиз. Жамғармага меҳнат жамоалари, айрим фуқаролар, шунингдек қўшма корхоналар, чет эл фирмалари, Ўзбекистон истиқболини ўйлаган хориждаги ватандошларимиз ўз ҳиссаларини қўшишлари мумкин. Жамғарманинг банк ҳисобларини маълум қиламиз:

● СУМ УЧУН:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тошкент шаҳар операция бошқармасининг Ҳисобкитоб марказидаги рақам: 000700825, (Код рақами: 172682116). Шароф Рашидов номли жамғарма.

● Валюта учун:

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий Банкида Шароф Рашидов номли жамғарманинг ҳисоб рақами: 97380090/001.

ДАСТЛАБКИ УЛУШ

Шароф Рашидов номли жамғарманинг бош муассиси бўлган «Ўзбекистон овози» газета редакцияси ижодий жамоаси сентябрь ойининг дастлабки иш куни ҳақини тўла-тўкис шу жамғарма ҳисобига ўтказишга қарор қилди. ШАРОФ РАШИДОВ ЖАМҒАРМА ҲИСОБИ ҲАММА УЧУН ОЧИҚ!

И С Т И Қ Л О Л

лантириш ҳамда импортнинг ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналарни жадал ривожлантириш. Фурсати билан экспорт таркибини хом ашё ресурсларидан Ўзбекистон учун қулайроқ шаклларга: қишлоқ хўжалигининг қайта ишланган тайёр маҳсулотларини, енгил саноат ва кўп билим талаб қиладиган тармоқлар буюмларини экспорт қилиш томон чуқур қайта ўзгартиришни амалга ошириш керак бўлади. Таркибий қайта қуриш, аҳоли ҳаёт таъминотининг кечиктириб бўлмайдиган вазифаларини ҳал этиш учун республиканинг валютага бўлган катта эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда дастлабки пайтларда пахта, тола, линт, пилла, рангли металлар, капролактам, карбамид ва бошқа маҳсулотлар асосий экспорт ресурслари сифатида сақланиб қолади;

— ташқи иқтисодий фаолиятни либераллаштириш бўйича аниқ мақсадни кўзлаган сиёсат юритиш, хорижий шериклар билан тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатилишида катта эркинлик бериш, ўз маҳсулотларини чет элда сотиш, товарларни экспорт ва импорт қилишда имтиёзлироқ тартибни жорий этиш;

— имтиёзли бошқарув ва солиқ тартибини вужудга келтириш йўли билан экспорт ишлаб чиқариш соҳасида корхоналарнинг инвестиция ва инновация фаолиятини рағбатлантириш;

— хорижий инвестицияларнинг асосан тўғридан-тўғри капитал сармоялар кўринишида республика иқтисодиётига кенг жалб қилиниши учун ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа зарур шароитларни яратиш, қўшма корхоналар ташкил этилишига кўмаклашиш, шунингдек инвесторларнинг манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш;

— хорижий кредитлардан, экспорт қилишдан олинган валюта маблағларидан чет элдан ҳаёт учун муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар ҳамда қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишловчи, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи корхоналарни техника билан қайта жиҳозлаш учун технологик асбоб-ускуналар сотиб олишда биринчи навбатда фойдаланиш;

— ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солувчи қонунларни яратиш. Чет эл инвестициялари, экспорт ва импорт учун солиқлар тўғрисидаги қонунларга амалиёт тақозо этган тузатишлар ўз вақтида киритилди, республиканинг валюта ишларини тартибга солиш тўғрисидаги, гаров ҳақидаги қонунларнинг, Божхона кодекси ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари тайёрланди;

— дипломатия иши учун, шунингдек халқаро ҳуқуқ ва ташқи иқтисодий фаолият соҳасида, банк тизимида ва бошқа янги ташкил этилаётган тузилмалар учун малакали мутахассислар тайёрлаш. Талабалар ва мутахассисларни чет эллардаги етакчи ўқув ва илмий марказларида, хорижий фирмалар, банклар ва компанияларда ўқитишни ҳамда малака оширишларини ташкил этишни кенгайтириш;

— халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотлар — Халқаро валюта фондига, Халқаро қайта тиклаш ва ривожланиш банкига, Осиё тараққиёт банкига аъзо бўлиш, Тарифлар ва Савдо бўйича Бош битим, Оврўпо Иқтисодий Ҳамжамияти ва бошқа ташкилотлар билан алоқалар ўрнатишга доир ташкилий тадбирларни ўтказиш;

— ташқи иқтисодий фаолият тармоқлари мажмуини — ихтисослаштирилган ташқи савдо, лизинг, консалтинг ва суғурта фирмаларини, ташқи алоқаларни ривожлантириш манфаатлари ва шартларига жавоб берадиган транспорт, алоқа ва коммуникациялар тизимларини вужудга келтириш. Чет элларда ўз савдо ва ахборот ваколатхоналарини очиш;

— ўзимизнинг патент-лицензия ишлари тизимини йўлга қўйиш, республика фуқаролари ва юридик шахсларининг маънавий мулкини ҳимоя қилиш учун халқаро битимларга қўшилиш. Маҳсулотни стандартлаш ва сертификациялаш халқаро тизимига изчиллик билан ўтишни ташкил қилиш.

Мана шу йўналишларни рўёбга чиқариш Ўзбекистон иқтисодиётини жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига кенг кўламда уйғунлаштириш учун иқтисодий ҳамда ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш имконини беради.

Ташқи алоқаларни ривожлантиришда, шунингдек бир қанча ички ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда бизнинг ватандошларимиз катта ёрдам ва мадад бера олишлари мумкин. Чет эллардаги ўзбеклар хорижий савдо-саноат доираларининг намояндалари билан иқтисодий, маданий ва бошқа муносабатларни йўлга қўйишда жонли боғловчи бўғин бўлиб хизмат қилишлари мумкин.

Ўзбекистон Марказий Евроосиёнинг энг муҳим йўллари чорраҳасида бўлишини тарихнинг ўзи белгилаб қўйган. Бу эса «Буюк Ипак йўли» қабилидаги Евроосиё иқтисодий ва маданий кўпригини барпо этишни республика ташқи сиёсатининг стратегик истиқболи сифатида олға суриш имконини беради.

ИЖТИМОИЙ ЖИҲАТДАН ЙЎНАЛТИРИЛГАН БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИ ҚУРИШ — МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН ИЧКИ СИЁСАТИНИНГ НЕГИЗИ

Халқ манфаатларига жавоб берувчи мустақил иқтисодий сиёсат — Ўзбекистонни мустақил ривожлантиришнинг ажралмас шартидир.

Бир неча ўн йиллар давомида республикада сценарийси узоқ Марказда тўқилган қарорлар амалга оширилди, «кампаниялар» ўтказилди. Ўзбекистоннинг чинакам манфаатлари, ўзига хос шароити ва имкониятлари писанд қилинмади. Натижада халқ хўжалигининг нуқсонли, бир томонлама хом ашё тузилмаси шаклланди. Республика айрим хом ашё турларини, ёқилғи, асбоб-ускуналар ва технологиянигина эмас, балки ҳаётий муҳим озиқ-овқат маҳсулотларини, халқ истеъмоли молларини четдан келтиришга мажбурдир.

Мавжуд корхоналарнинг техникавий даражаси, чиқариладиган маҳсулот сифати ишлаб чиқаришни замонавий ташкил этиш талаб-

(Давоми. Бош газетамизнинг 27, 28, 29 август, 3 ва 4 сентябрь сонларида).

36. 37. 38. 39.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

ХАБАРНОМА 6 1992

Тошкент

«ХАБАРНОМА»— «ПРЕСС—БЮЛЛЕТЕНЬ»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТ ДЕВОНИНИНГ ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ҲАР ЧОРАКДА ЧИҚАДИГАН НАШРИ

Мазкур журналда Президент фармонлари, давлат аҳамиятига молик муҳим ҳужжатлар, Президент фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи бошқа материаллар ва фотосуратлар бериб борилади. Бошқарув тизими барча бўғинларининг раҳбарлари, вазирликлар, концернлар, Президент фармонларининг бажарилишини назорат қилувчи идоралар ходимлари, ҳуқуқшунослар, журналистлар, юқори ижроия ҳокимият фаолияти билан қизиқувчи ўртоқлар республиканинг барча алоқа бўлимларида ушбу журналга обуна бўлишлари мумкин.

Журнал индекси: 75453.

Бир йиллик обуна баҳоси 233 сўм.

ОҚ ЙЎЛ, ОСОЙИШТАЛИК ПОСБОНЛАРИ!

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Тошкент милиция ўрта махсус мактаби ташкил қилинганига 60 йил тўляпти. Мамлакатимиз мустақиллигининг бир йиллиги байрами кунлари бу ерда катта тантана бўлиб ўтди. Мактабни тамомлаган ёш милиция зобитларига дипломлар топширилди. 200 нафар милиция лейтенанти мустақил республика халқининг осойишта меҳнати ва турмушини қўриқлагани йўлланма олди.

Суратда: мактаб бошлиғи милиция полковниги Ўткир Пўлатов (ўртада) ёш зобитларга хайрлашув олдидан сўнгги маслаҳатларини бермоқда.

М. БОЛТАБОЕВ олган сурат.

„МАЪРИФАТ"НИ МУДРОҚЛИКДАН КИМ УЙҒОТАДИ?

ёки халқ зиёлилари рўзномаси ўз номини оқлолмаётгани хусусида

БУГУНГИ ўзбек рўзномачилиги мазмуни ва мундарижа, ошкоралик, ҳаётнинг турли қатламларини ёритиш ва хусусан услуб ва маҳорат жиҳатидан аввалги йиллардагига нисбатан жуда ўсди. Мен адабиётдан дарслик ва мажмуалар тузиш учун мактаб ҳаёти билан янада яқинроқ танишишда ёрдами тегар, деган умид билан бу йил ҳам «Маърифат» газетига обуна бўлган эдим. Деярли барча сонлари билан танишиб боряпман. Аммо, очиғи, фикрим шундай: «Маърифат» Ўзбекистондаги жумҳурият газетлари ичида энг савияси пастларидан бири бўлиб қолди. Негаки унда ҳамон эски яранг услуб, ҳиссиз, таъсирсиз, жонсиз тилу ифода билан ёзишлар кўзга яққол ташланади.

Аммо бу билан газетда биронта ҳам яхши мақола йўқ деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. Мен умумий аҳволни кўзда тутяпман. Яхши мақолалар онда-сонда босилиб қолади. Масалан: собиқ Қарши педагогика институти бир гуруҳ профессор ва ўқитувчиларининг 28 март сонидаги чиқишлари, «Илмгоҳни ким қуради?» (24 март), «Чиптa ямоқ» (13 февраль), «Улар ҳам эл қатори яшаши керак» (29 февраль) ва шуларга ўхшаш айрим мақола, хабар ва суҳбатлар жонли, дард билан ёзилган.

Шунга қарамай, «Маърифат» савия жиҳатидан иккинчи даражали муаллифлар минбарига айланиб қолган кўринади. Бу газет пештоқига «Халқ зиёлилари рўзномаси» деб ёзиб қўйилгани билан, унда бугунги ўзбекнинг кўзга кўринган зиёлилари кам қатнашадилар. Бизга шундай туюладики, савия жиҳатдан биринчи даражали муаллифлар ҳам бу газетга, таъбир-жоиз бўлса, иккинчи даражалироқ мақолаларини олиб борадилар. Бунга ким айбдор: муаллифларми ёки таҳририятми? Албатта, таҳририят! Газетнинг савиясини кўтарадиган—таҳририят. Яхши муаллифни ҳам таҳририят топади, жалб этади, аввалаб-асрайди, қўлдан чиқармасликка интилади. Бунинг учун эса газетга жонкуяр раҳбару, фидойи ходимлар керак. Оқ қоғозни қора ҳарфлар билан тўлдиришнинг ўзи ҳали газетчилик эмас-ку. Айниқса, қоғоз ўта тақчил бўлган, фидойи халқимизнинг меҳнати эвазига бунёд этиладиган маблағ ҳисобига чиқаётган бугунги газетлар ўз номларини оқлаш учун имкон қадар ҳар бир сўзни халқнинг ҳаётини нима биландир нурлантиришга хизмат қиладиган тарзда ишлатишлари керак. Акс ҳолда ҳар қандай нашр ҳам иқтисодий томондан зиён келтиради. Қолаверса, маънавий инқирозга тортиб, халқнинг дидини баттар ўтмаслаштиради.

Даъволаримиз қуруқ бўлмаслиги учун айрим далиллар келтирамиз.

АВВАЛО, «Маърифат»нинг мавзу доираси жуда тор,чекланган. Ҳолбуки, «Ўқитувчилар газетаси»нинг «Маърифат» деган гўзал ном билан алмаштирилиши таҳририятга бу жиҳатдан чексиз имкониятлар беради. Оддийгина бир мисол. Ота-боболаримиз бизга қолдирган меросда «маърифат» тушунчасини шарҳловчи турли-туман қарашлар, талқинлар ва ҳатто фалсафий оқимлар бор. Нега Шарқда шайхларни—худога етган буюк руҳ эгаларини орифлар дейди? «Ориф» билан «маърифат»нинг алоқаси қандай? «Маърифат» билан «маориф» тушунчалари ўртасида илгари қандай фарқлар бўлган ва ҳозир қандай? Шу ва шунга ўхшаш халқнинг онгини ошириш учун хизмат қиладиган баҳслар очиш мумкин эмасми? Шу сингари маърифий йўналишдаги энг яхши мақолалар учун кўрик-танловлар ўтказса бўлмайдими? Майли, моддий рағбатлантиришнинг иқтисодий имкони топилмаяпти дейлик, лекин таҳририят, лоақал, ҳар ойда босилган энг яхши мақолаларни эълон қилиб, муаллифларни бемалол қизиқтириши мумкин-ку?!

Газетнинг мавзу доираси тор деганда яна шуни кўзда тутяпмизки, бугунги ўқитувчининг аҳволи енгил эмас: ҳам иқтисодий томондан, ҳам маънавий томондан. Бир америкалик мухбир билан қишлоқларни айландик. «Ие, — деди ажнабий меҳмон, — сизларда мактаб ўқитувчиси ҳам колхозчидан қолишмай далада меҳнат қила олар экан?»

Мен жим қолдим. Лекин айтгим келдики, бу — бизнинг ютуғимиз эмас, балки нуқсонимиз! Чунки ўша ўқитувчи дарсга чуқурроқ, пухтароқ тайёргарлик кўриш, китоб ўқиш, ўз устида ишлашнинг ўрнига оиласини боқиш учун далага чиқиб меҳнат қилишга мажбур. Шунинг учун у кўпинча номигагина дарс беради. Бунинг оқибатида эса болаларимизнинг саводи паст. Лекин «Маърифат» ўқитувчи ҳаётининг бундай ички томонларига чуқур кириб бормайди. Бошқача айтганда, мухбир мактабга бориб, мактабдан қайтади. Ёки нега «Оила ва жамият» ҳафтаномаси Тошкентдаги айрим ўқувчи қизлар ўртасидаги ахлоқсизлик ҳақида дард билан ёзади-ю, аммо бунга ўхшаш мактаб билан боғлиқ маънавий инқирозларимиз замини ҳақида «Маърифат» бир тарафда жим туради? Нега шунга ўхшаш ўткир масалаларни очиқ-ошкор кўтармаймиз? Ўқитувчи ва ота-оналарни бу масалалар ҳақида ўйлашга чорламаймиз?!

Мен айнан ана шу мавзу ёритилсин, демоқчи эмасман, бу бир омади гап — мақсад ҳаётнинг ич-ичига чуқур кириб бориш кераклигини айтишдир.

Газетни газет қиладиган — сарлавҳалар. «Маърифат»да ўн-ўн беш йилдан бери бурун ҳам журналистлар тилида «шаблон» деб қораланадиган, яъни сийқа сарлавҳалар ҳаддан зиёд кўп. Ўз касбини ҳурмат қиладиган журналист мақолани тил ва услубий жиҳатдан ўзига хос, чуқур мушоҳада билан ва ўқувчига бой маънавий озуқа берадиган тарзда жозибали қилиб ёзишга интилади. «Ҳаётда шундай инсонлар борки, улар ўзининг бутун умрини халқ учун ва жамият учун бахш этадилар» деб изланишдан йироқ шаблон сўзлар билан бошланган мақолага «Шундай инсонлар борки... деб сарлавҳа қўяди. Бу мақола бир физик, доцент ҳақида. Очиғи, бу мақола эмас, шу олимнинг таржимаи ҳолини бир ахборот тарзида санаб ўтишдан нари эмас. Бу газетхонга ҳеч нарса бермайди. Ҳолбуки, «Маърифат»нинг деярли ҳар бир сони ана шундай жонсиз ва тузсиз, бир оҳангда ёзилган мақолалардан холи эмас. Бундай мақолалар газетхонга «фалончи газетда чиқибди» дегандан нари ахборот бермайди, таъсир ҳам қилмайди, фикр ҳам қўзғатмайди. Кимки бирор муаллимни мақтамоқчи бўлса, «Маърифат»га мақола олиб бораверши керак, деган таассурот туғдиради.

ИККИ оғиз газетда босилаётган тақризлар ҳақида. Улар кўпинча тасодифий бир маромда чиқаётганга ўхшайди. Газет ўз ихтисосига доир яхши ва халқ учун керакли китобларни мунтазам равишда таҳлил қилиб бераётгани йўқ. Тақризлар услубан ҳам ранг-баранг эмас, улардаги муносабатлар ҳам илмий жиҳатдан жуда бўш. Тақризларнинг кўпи факат ўша асар билан газетхонни таништириш вазифасини бажаради. Масалан, «Янгича талқин» сарлавҳали тақризида Жўра Йўлдошевнинг китоби аввал «рисола», кейин эса «монография» дейилади. «Рисола» деганда брошюрани тушунамиз, монография эса муайян бир мавзуга бағишланган чуқурроқ тадқиқот жанри. Тақриз асосан ҳали шу китобнинг ўзини ўқиб улгурмаганларга мўлжалланади. Шундай экан, у китобнинг жанри ҳақида ўқувчига бунақа мужмал маълумот бермасинда!

Одатда газетда сарлавҳалардан ҳам олдин кўзга ташланадиган нарса-фотосуратлар. «Маърифат»даги суратларнинг савияси энг қолоқ район рўзномаларидан кам фарқ қилади. Кўпинча бир томонда ўқувчилар, иккинчи ёнда муаллим уларга ниманидир тушунтириб турган ҳолати акс эттирилади. Масалан, 25 апрель сонида худди шундай бир хил мазмундаги бир эмас, нақд олти сурат берилган.

Ҳар қандай нашр таҳририяти умумий савиясини «Таҳририятдан» деб бериладиган матнлардан билса бўлади. «Маърифат» таҳририяти номидан чиққан мана бу жумлаларнинг тўмтоқлигига диққат қилинг: «Биз ҳам у кишининг қувончларига шерик бўлиб, ҳамиша соғлиқ-саломатлик (...?), ижодий ишларига зафар ёр бўлишининг тарафдоримиз» (12 март сони). Бунга изоҳнинг ҳожати бўлмаса керак.

Газетда чиқаётган материалларга эътиборсизлик шу даражадаки, бир неча сонда кетма-кет босилаётган айрим материалларнинг боши олдинги сонларда экани ё давоми борлигини газетхонга билдириб қўйиш ҳам кўпинча эсдан чиқади. Масалан, «Қобуснома»дан парчалар», «Муҳаммад пайғамбар қиссаси» ва «Зулматда қолган зиё» кабиларда.

Энди бир қарашда майда, моҳиятан эса жуда катта хатолар ҳақида. 16 январь сонида хоразмлик тилшунос Отаназар Мадраҳимов ҳақидаги «Истиқбол йўли» сарлавҳали мақолани ўқиймиз. Мақоланинг бир жойида сўз Отаназар ака ҳақида эмас, Мадраҳим ака ҳақида юритилади. Гап олимнинг отаси ҳақида бўлса керак, деб ўйлайсиз. Кейин билсангиз, йўқ, бу ҳам ўша олимнинг ўзи ҳақида экан. Бу хато ўқувчини чалкаштиради. Баъзи суратларда шундай чалкашликлар тез-тез учраб туради.

Минск, Томск ва шу каби славян шаҳарлари борлигини биламиз. Аммо 16 январь сонида чиққан бир хабарда «Сеульск дорилфунуни» деган сўзларни ўқиб ҳайрон қоласиз. Гап Корея Республикасидаги Сеул дорилфунуни ҳақида экан. Кўриниб турибдики, муаллиф русча матндаги «Сеульский университет» сўзларини «Сеульск дорилфунуни» деб ўгирган ва бу ғаройиб талқин таҳририятдан ҳам ўтиб кетаверган...

Яна бир «Маърифат»га хос фактни айтмай ўтолмаймиз. Газетанинг бу йилги сонларини варақласангиз, бир тоифа муаллифларнинг номига кўп дуч келасиз. Тўғри, қонун юзасидан ҳар бир муаллифнинг ҳар сонда чиқиш ҳуқуқи бор. Аммо бу муаллифларнинг ҳамма мақолалари ҳам газетнинг савиясини кўтараётгани йўқда. Бу гапни «Маърифат»нинг муаллифлар доираси хилма-хиллигига эришиш учун жуда катта имкониятлари борлигини назарда тутиб айтяпмиз, холос.

ХУЛЛАС, ҳафтада уч бор чиқаётган ўз номи билан «Маърифат» деб номланган зиёлилар минбарининг бугунги савияси зиёли кишини қониқтирмайди. Ҳаётнинг ўзида мактаб ва тарбия борасида кўп ўзгаришлар содир бўляпти, кун-бакун бу борадаги янги-янги муаммоларга дуч келяпмиз, газет эса бу жўшқин ҳаётдан орқада қолаётир.

Шу ўринда «Озодлик» радиосининг шу йил «Мудроқлик» деб номланган эшиттиришида «Маърифат» газети ҳақида билдирилган фикри эътиборга лойиқ деб биламиз: «Бу ёқда собиқ СССРдан қутилдик, коммунистик зуғумни кучайтиришга хизмат қилган байрамлардан ҳам бирин-кетин воз кечяпмиз. Лекин кимлардир ҳамон уйқуда. Шу йилнинг 5 майи куни эрталабида Ўзбекистон радиоси: «Мана, собиқ СССРнинг яна бир байрами — совет матбуоти куни ҳам барҳам топди», — тарзида мамнуният билан эълон қилиб турибди-ю, халқ зиёлилари, аниқроғи, муаллимлар рўзномаси — «Маърифат»нинг 6 май сонида босилган Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Жўра Ғаниевич Йўлдошевнинг «Эзгу йўл» сарлавҳаси остида берилган табрик хати: «Қадрли маориф матбуоти ходимлари, ижодкор дўстлар!» — деган сўзлар билан бошланиб, «Ҳаммангизни матбуот байрами билан яна бир бор чин кўнгилдан табриклайман, сизларга ижодий муваффақиятлар ёр бўлсин!» — деган тантанавор гаплар билан тугалланади. Ахир, бу ёқда Тошкент давлат дорилфунуни журналистика факультетининг доценти Мухтор Худойқулов жон куйдириб «Миллий матбуотимиз қачон туғилди?» («Халқ сўзи», 1991 йил 17 декабрь) ҳамда «Тараққий» бошлаган йўл» («Яна миллий матбуот кунимиз хусусида») («Халқ сўзи», 1992 йил 24 апрель) сарлавҳали мақолалар ёзиб, миллий матбуотимиз кунини жадидларнинг илк нашри — «Тараққий» газетининг биринчи сони чиққан кун — 26 июнни (газетнинг илк сони 1906 йилнинг 26 июнида чиққан) ўзбек матбуоти куни тарзида байрам қилайлик, деган таклифни кўтариб чиқяпти-ю, бошқа ҳеч бир нашр, радио ё телевидение 5 майни, яъни большавойлар газети — «Правда» чиққан кунни байрам қилмаяпти-ю, наҳотки халқ таълими вазири-ю шу вазирлик ҳаммуассиси бўлган «Маърифат» газети ҳаётдан шунчалар орқада юрса!

Бу газет редакциясида журналистик этика ҳам абгор аҳволда дейишга тўла асослар бор. «Совет Ўзбекистони» («Ўзбекистон овози»)нинг 1991 йил 18 январь сонида босилган «Марҳумлар сўроқ қилинмайди...» сарлавҳали публицистик мақолани кўчириб босиш жараёнида «Маърифат»чилар вазирликдаги ўз раҳбарларини кўпиртириб мақташ имконини қўлдан бой бермадилар. Гап шундаки, ана шу мақолада республика халқ таълими вазирининг ўринбосари Муртазо Султоновнинг номи бор-йўғи бир жойда бир сатрда тилга олинганди. Аммо йўқни йўндирадиган «Маърифат»чилар «Совет Ўзбекистони»даги мақоланинг асл нусхасига икки устун қўшимча ясаб, вазир ўринбосарини кўкка кўтардилар. Чунки халқ таълими вазирлигининг раҳбарларини «қаҳрамон» қилиш учун бу жуда қулай имконият эди-да! Раҳбарларни мақтаган одам кам бўлмайди, деб ўйлашган кўринади!

Энди ўз-ўзидан шундай ҳақли савол туғилади: «Маърифат»даги мудроқликни ким уйқотади? «Маърифат» номи билан аталган газет ҳақиқий маърифат минбарига айланмаса, иккинчи томондан — вазирликнинг бошида турган карвонбошилар аллақачон тарих қаърига итқитилган большавойлар байрами билан уларни табриклаб турса, маърифат ушқунлари нур сочишига ким ишонади?

Муассис идорасидаги вазирлар ва унинг республика зиёлиларига мўлжалланган тарихий анъаналарга бой бўлган нашрини ғафлат мудроқлигидан ким уйғотади?

Султонмурод ОЛИМ,
ЎзФА Алишер Навоий номидаги Адабиёт институтининг докторанти.

ДОРИЛФУНУНИ

ларига, жаҳон рақобатининг қаттиқ талабларига мос келмаётир. Амалда барча соҳаларда технология асбоб-ускуналари жисмонан ишдан чиққан, маънавий эскирган ва янгилашни талаб қилади. Республиканинг табиий ресурсларига ва экологик муҳитига жуда катта ва кўп жиҳатдан ўрнини тўлдириб бўлмайдиган даражада зарар етказилди. Бу ҳол, ўз навбатида, аҳоли турмуш даражасининг пасайишига олиб келди.

Бунинг устига илгариги бир томонлама қарорларга кўра қабул қилинган қайта қуриш тажрибаси барбод бўлганлиги оқибатида Иттифоқнинг барча собиқ республикалари узоқ иқтисодий инқирозга учради. Ёппасига пулнинг қадрсизланиши, турмушнинг қимматлашуви, бир вақтлар ягона бўлган молия, пул-кредит тизимининг барбод бўлиши, таркиб топган хўжалик алоқаларининг бузилиши Ўзбекистонни оғир аҳволга солиб қўйди. Ўз ички сиёсатимизни жуда ноқулай бошланғич шароитда қуришга тўғри келмоқда. Айни бир вақтда икки мураккаб масалани ҳал этиш — бир томондан, бозор иқтисодиётига ўтишда чуқур ислоҳотлар ўтказиш, иккинчи томондан, иқтисодиётни барқарорлаштириш, халқ фаровонлигининг кескин пасайиб кетишига йўл қўймаслик керак.

Ўзбекистон ўтган йилларнинг оғир асоратини бартараф этиш, инқироздан чиқиб олиш, ўзининг иқтисодий мустақиллигига эришиш, ривожланган мамлакатлар қаторига кириш имконини берадиган етарли имкониятларга эгадир.

40.

Ички сиёсатнинг негизи — инсон манфаатларига қаратилган меҳнатни рағбатлантириш кучли механизмига эга бўлган ва аҳолининг ижтимоий ночор қатламларини давлат йўли билан ҳимоя қиладиган бозор иқтисодиётини қуришдан иборатдир.

Тарихий тажриба шуни кўрсатадики, айрим мамлакатларда иқтисодий ривожланиш ва аҳолининг турмуш даражаларидаги тафовутларга қарамай, жаҳон ҳамжамияти ривожланишининг ҳозирги босқичига бозор иқтисодиёти жуда мос келади ва самарали ҳаракат қилади.

Фақат уюшган бозоргина бугунги кунда халқнинг ижодий ва меҳнат имкониятларини очиб бера олади, боқимандаликка хотима беради, ташаббускорлик ва ишбилармонликни ривожлантира олади, рағбатлантиришни ва йўқотилган хўжайинлик туйғусини қайта тиклайди.

Фақат бозоргина ишлаб чиқарувчининг ҳукмини синдириш, ишлаб чиқаришни истеъмолчининг манфаатларига бўйсундириш, маҳсулотга бўлган талабни аниқ ҳисобга олиш, конъюнктура ўзгаришларига қараб тезликда иш тутиш имконини беради.

Фақат бозоргина тежамли хўжалик юритишнинг куйли оқилона жиҳатларини яратади, харажатларни камайтиради, талон-торож ва лапашангликка қарши курашади.

Фақат бозоргина янгиликларга сезгир қилади, фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқларини дадил ва ғайрат билан жорий этади,

41.

ўз ишининг устасига, касб маҳоратига муносиб баҳо беради.

Лекин жаҳон тажрибаси бошқа томондан ҳам сабоқ беради. Бозор муносабатларининг шаклланиши ҳар қандай мамлакатда силлиқ ва осон кечавермаган. Бозор механизмларини идеаллаштириш катта янглишиш бўлур эди. Акс ҳолда, илгарилари бўлганидек, янги афсоналар домига тушиб қолиш, яна ҳафсала пир бўлиши мумкин.

Бозор иқтисодиётига ўтиш муаммоларига тик кўз билан, реал қараш керак. Бозор иқтисодиётининг фақат ижобий томонинигина эмас, балки унинг салбий томонини ҳам кўра билиш керак. Бозорга, айниқса унинг шаклланиш босқичида узоқ ва чуқур иқтисодий инқирозлар, ишсизликнинг ўсиши, пулнинг қадрсизланиши, кўпгина корхоналарнинг синиши ва ишбилармонларнинг хонавайрон бўлиши, аҳолининг моддий таъминот жиҳатидан кескин табақалашуви, ҳуқуқка зид хатти-ҳаракатлар ва жиноятларнинг ўсиши хосдир. Бозорнинг бу иллатларини билиш, уларга тайёр туриш, уларни бартараф этиш юзасидан тўғри ечимлар топа билиш керак.

Бозорга ўтиш муқаррар. Бу — давр амри, объектив реалликдир. Айни вақтда бозор фақат мақсад эмас, балки янги қадриятларни шакллантириш, одамлар фаровонлигининг сифат жиҳатидан тубдан юқори даражасига эришиш услуби ва воситасидир. Илғор мамлакатларнинг тажрибасига кўра, фақат бозор муносабатларигина халқ фаровонлиги, унинг турмуш даражаси ва рав-

42.

нақини ўстириш йўлида республика ишлаб чиқарувчи кучларидаги жуда катта имкониятлардан тўла-тўкис фойдаланишни таъминлаши мумкин. Вазифа шундан иборатки, ана шу жараённи юмшатиш учун, уни аҳоли учун энг кам йўқотишлар билан амалга ошириш, ижтимоий ларзаларга йўл қўймаслик керак.

Ўзбекистоннинг ички иқтисодий сиёсати ҳам ўзимизнинг янгиланиш ва ижтимоий тараққиёт йўлимиз умумий принципларидан, ҳам ўзимизга хос хусусиятларимиздан келиб чиқади. Ўзимизга хос хусусиятлар деганда қуйидагилар назарда тутилади:

1. Реал таркиб топган иқтисодий вазият, кўпчилик оилаларнинг турмуш даражаси пастлиги туфайли **республикада бозорга ўтишнинг «шок терапияси» йўли номақбулдир.** У амалда «терапиясиз шок» бўлиб қайтади, яъни таркиб топган барча тузилмалар, меъёрлар, алоқалар тезда барбод бўлади, бошқача айтганда, батамом емирилади. Ташкилий, иқтисодий, молия-кредит тизимларини ўзгартириш, тегишли ҳуқуқий асосни, бозор тармоқлари мажмуини вужудга келтириш, кадрлар тайёрлаш учун вақт керак. Ишлаб чиқаришни тайёрлаш ва қайта жиҳозлаш учун зарур бўлган технология вақти омилини ҳам ҳисобга олиш лозим. Ва ниҳоят, эҳтиёж ва таклифнинг мутаносиблигига асосланган қонунлар кучга кирмас экан, қаттиқ ўрнашиб қолган тасаввурлар ва меъёрларни ўзгартиришга вақт керак бўлади.

Бозор иқтисодиёти сари **буюк сакрашлар,** инқилобий қайта ўзгаришлар йўли билан

(Давоми бор).

43.

• ЯНГИЛИКДАН ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?

НАЗАРБЕКДА 500 ЎРИНЛИ ШИФОХОНА



Ўзбекистон мустақиллигининг бир йиллиги нишонланаётган қувончли кунларда Тошкент вилоятининг Назарбек қишлоғида 500 беморга мўлжалланган темирйўлчилар клиник касалхонасининг биринчи навбати ишга туширилди. Бу Ўрта Осиё темир йўл бошқармаси бозор иқтисодиётининг ҳозирги қийин шароитларида темирйўлчиларнинг ижтимоий турмушига оид масалаларни ҳал этишга эътибор қилаётганидан далолатдир.

Шарқ ва Европа меъморчилигининг ўзига хос услубларини мужассамлаштирган шифохона биноси замон талаблари даражасида қурилган.

— Шифохона биноси лойиҳасинқ Ўрта Осиё соғлиқни сақлаш муассасаларини лойиҳалаш институти мутахассислари тайёрлашди. Улар бу ишда жаҳондаги бир қатор мамлакатларда эришилган тажрибаларга ҳам таянишди, — дейди шифохона бош шифокори Лутфулла Тожихонов. — Беморларга хизмат кўрсатиладиган табобат хоналари замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Масалан, бу ерда бемор билан телефон орқали боғланиб, унинг электрокардиограмм а с и н и ҳам ёзиб олиш мумкин.

Шифохона бинолари ўзига хос пардозлангани билан диққатни тортади. Беморлар даволанадиган палаталар бир, икки ёки уч кишига мўлжалланган. Тошкентда кўп йиллардан буён ноёб иншоотларни бунёд этишда яхши тажриба орттирган Тамаз Кажая бошлиқ 623-қурилиш-монтаж поездининг бинокорлари садоқат билан меҳнат қилишган.

Янги шифохона яна шуниси билан диққатга сазоворки, унинг худудида ер остидан минерал сув фаввора бўлиб отилиб турибди.

Шифохонанинг очилиши маросимида карнай ва сурнайларнинг садолари янгради. Байрам дастурхонига таклиф этилган фахрий темирйўлчилар орасида шу соҳада узоқ йиллар раҳбарлик қилган Азиз Мавлонович Қодиров ҳам бор эди. Тантанали маросимга Зангиота районининг деҳқонлари ҳам келишди. Миришкор деҳқонлар замонавий шифохона қурилганлиги ва унда малакали шифокорлар иш бошлаганлигидан мамнун бўлишди.

А. ПУКЕМОВ,

СУРАТЛАРДА: 1. Бош шифокор Лутфулла Тожихонов. 2. Электрокардиограмма телефон орқали олинмоқда.

В. ХАРИТОНОВ олган суратлар.

СУВГА ЧЎККАН ҚАЙИҚЛАР

ЁКИ САМАРҚАНД ҚАЙИҚСОЗЛИК ЗАВОДИДА РЎЙ БЕРАЁТГАН ҲАНГОМАЛАР

Завод директори Айдар Абляметович билан суҳбатимиз қисқа бўлди.

— Айдар ака, нима учун вилоятда корхонангиз хусусида ҳар хил гаплар юрибди?

— Менимча, бизда ҳамма ишлар жойида...

Ҳа, бир қараганда ишлар жойида кўринади. Ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ёмон эмас. Халқ истеъмоли моллари тайёрлаш кўпайтирилмоқда. Бу ерда кичик корхоналар очилаётир. Аммо... Кейинги пайтда заводда спорт маҳсулотларига эҳтиёж камайди. Айниқса қайиқларни сўрамай қўйишди. Жумладан, 1991 йилда ишлаб чиқарилган спорт қайиғининг 3,1 фоизи сотилган холос. Натижада корхонада 5,2 минг метр квадрат ишлаб чиқариш жойи бўшаб қолди.

Ана шундай пайтда бу ерда халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ниҳоятда зарур эди. Бироқ корхона раҳбарлари бутунлай бошқача йўлни тутишди. Улар Самарқанд туман ижрокомига кичик корхоналар очиш таклифи билан чиқдилар. Райижроком шароитни ўрганмай, истиқболни белгиламасдан бундай ишга оқ йўл тилади. Заводда «Семурғ», «Шарқ», «Простор» кичик корхоналари иш бошлади. Бундай қараганда имкониятларни ишга солиш учун йўл очилгандек туюлади. Аслида эса бошқача. Ана шу кичик корхоналар ҳеч нарса кўрмагандай заводга тегишли бўлган 65 минг сўмлик ускуналарни бемалол ишлатмоқдалар.

Дарвоқе, хом ашё ҳам четдан келган эмас. Айнан шу заводга минг машаққатлар билан келтирилган хом ашёдан маҳсулот чиқарилаётир. Ҳатто «Простор» кичик корхонаси иши текширилганда бу ерда текинга келган маҳсулот таннархига қўшимча нархлар қўйилганлиги ҳам маълум бўлди. Бундан ташқари бу кичик корхоналар учун алоҳида ишлаб чиқариш участкалари, омборлар ажратилмаган. Маҳсулот директор ёки бош инженернинг рухсати билан олиб чиқилади. Шуни айтиш керакки, кичик корхоналар пайдо бўлгандан кейин ҳам корхонада маҳаллий шароитларни ҳисобга олган ҳолда Самарқанд вилояти учун маҳсулотлар етиштиришга ўтилмади.

Минг афсуски, корхона раҳбарлари бу ҳаракатлар билан чегараланмадилар. 1992 йилнинг февраль ойида собиқ Совет Иттифоқи спорт қўмитаси, Санкт-Петербург ҳамда Самарқанд қайиқсозлик заводлари ва Қримдаги «Дубки» давлат хўжалиги биргаликда Симферополь шаҳрида «Судостроитель» кичик корхонаси тузишган эди. Айдар Абляметович тафт тортмасдан ушбу корхонага ўзининг укасини тайинлади.

Аммо, шунча харажатлар, меҳнатлар қаёққа кетди? Бугунга қадар кичик корхона заводга бир мирилик ҳам фойда келтирмаган. Аксинча, шу ернинг ўзида жуда зарур бўлган асбоб-ускуналар, қурилиш материаллари Қримга ташиб кетилди. У ерда эса ишнинг қандай бораётганлиги билан ҳеч ким шуғулланмаган. Бунинг устига Қрим вилояти ички ишлар бошқармаси бош терговчиси Т. Куриленко Самарқанд қайиқсозлик заводи раҳбарияти томонидан «Дубки» давлат хўжалигига шартномада кўрсатилганидан кўп миқдорда тайёр маҳсулот юборилганлиги, ГОСТ талабига жавоб бераднган маҳсулотлар гўёки сифатсиз деб юборилганлиги, ҳужжатлар қалбакилаштирилганлиги, натижада давлат мулкини талон-торож қилишга йўл қўйилганлиги тўғрисида маълумотнома юборди.

Мен директор муовини Ю. М. Кайшиев билан суҳбатлашдим.

— Биз собиқ СССР пайтида бу кичик корхонани тузганмиз. Самарқанд маҳсулотини сотиб, фойда кўрмоқчи эдик. Сифатсиз юборилган маҳсулотга келсак улар иккита сунъий ҳовуз — ҳар бири 2,5 минг сўмдан туради.

— Сизлар уларни сифатсиз деб ҳужжатлаштирибсизлар?

— Ҳа, ҳар бирининг камчилиги бўлгани учун 250 сўмдан сотганмиз. Биттаси район ҳокими муовини ҳовлисига ўрнатилган, биттаси кичик корхона омборида турибди...

Директор билан бўлган суҳбатда кичик корхоналар ва завод ўртасидаги муносабатларни аниқлай олмадик. Ҳар хил фикрлар билдирилди. Лекин битта нарса бизга маълум. Самарқанддан жуда кўплаб маблағ, хом ашё, тайёр маҳсулот сув текинга ғайриқонуний тарзда четга олиб кетилмоқда. Айтгандай, бу ягона воқеа эмас. Наримон Алиев бундан икки йил аввал Самарқанд шаҳар ижрокомининг раис муовини бўлиб ишлаб турган бир пайтда Қримда кичик корхона очганда ҳеч ким ҳеч нарса дея олмаган эди. Чунки у нуфузли раҳбарлардан бири-да. Натижада Самарқанддан четга кўплаб ишлаб чиқариш воситалари, пул, хом ашё, маҳсулот олиб кетилди. Тўғри, айтишларича ҳуқуқшунослар «чуқур» текширишдан сўнг бу ҳаракатнинг қонуний эканлигини аниқлашибди. Лекин ўша корхона бугунги кунда Самарқанд билан алоқасини узди. Демак, юборилган нарсалар сув текинга қолиб кетди. «Самарқандтрансстрой» трести ташкил этган кичик корхона ҳам худди ана шундай йўл тутди. Хуллас, вилоят ҳокимлиги учун ўрганишга маълумотлар етарли...

Бизни яна бир нарса ҳайрон қолдирди: тилга олиб ўтилган ташкилотларнинг бирортасида ҳам давлат тили мутлақо қўлланилмайди. Қишлоқнинг қоқ марказида бўла туриб қайиқсозлик заводи маъмуриятида маҳаллий миллат вакилларидан «уруғлик»ка ҳам бирор киши йўқ. Ишонмасангиз маҳкамачиларнинг исми-шарифини келтириб ўтамиз. Н. Медведева — бош ҳисобчи, В. Головочев — бош муҳандис, А. Григорьев — бош конструктор, Ю. Сметанов — бош технолог, И. Шамуэлов — таъминот бошлиғи, И. Салюкова — режалаштириш бўлими бошлиғи, Р. Ханров — цех бошлиғи...

Хуллас, Самарқанд қайиқсозлик заводидаги бу ҳаракатлар ҳар томонлама ўрганишга ва баҳо беришга арзийди. Айниқса, бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодимиз танг аҳволга тушган бир пайтда, бундай воқеаларнинг олдини олиш катта аҳамиятга эга деб ўйлаймиз. Самарқанд вилоят ҳокимлиги ушбу корхона мисолида вилоятдан ғайриқонуний тарзда маблағ, маҳсулот ва хом ашёларнинг ташиб кетилишига чек қўйди. Қолаверса завод маъмуриятининг тутган хотамтойлик йўлига тегишли баҳо беради деган умиддамиз.

Фармон ТОШЕВ,

«Ўзбекистон овози»нинг Самарқанд вилояти мухбири.

ФЕЛЬЕТОН

Хўш, қайиқсозликни Самарқандда ривожлантириб, унинг тармоғини Симферополда ҳам ташкил этишса, бунинг нимаси ёмон деб ўйлашингиз мумкин. Лекин масала бошқа ерда. Кичик корхона маҳсулотни Украина маркаси билан чиқариб сотади. Самарқандда ясалган эҳтиёт қисмлар Қримда қайиқ ҳолига келади, холос. Масаланинг бошқа томони ҳам бор. Маълум бўлишича, ҳозирги пайтда битта қайиқ 400 минг сўмга тушяпти. Уни олиб бориш ҳаражати 75 минг сўм. Бир йилда эса ҳар қандай катта вилоят ҳам бу қайиқдан иккита ёки учта олиши мумкин. Шундай экан, Самарқандда йиғилган тайёр қайиқларни тегишли манзилга жўнатган яхши эмасми?

Завод маъмурияти «Судостроитель» кичик корхонасига мол-мулк беришда саховат кўрсатди. 55 минг сўмлик (олдинги баҳода) қурилиш материаллари, кийим-кечак, инвентар жўнатилди, 317 минг сўм маблағ ўтказилди. Завод директорининг муовини Ю. М. Кайшиев кичик корхона «ташвиши билан» Симферополда 7 маротаба, яъни 8 кун, директорнинг ўзи эса 4 маротаба, яъни 21 кун «хизмат командировкаси»да бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасида

Энергия манбаларининг нархлари ва уларни ташиш ҳақи кескин кўтарилиб, тузилган шартномалар бўйича бошқа минтақалардан ёқилғи-мойлаш материаллари ўз вақтида етказиб берилмаётганлиги республика аҳолисини автомобиль ёқилғиси билан таъминлашда кескин аҳволни вужудга келтирди.

Шундай шароитда мавжуд ресурсларни тақсимлашда ва улардан фойдаланишда зарур тартиб ўрнатиш юзасидан шошилинч чоралар кўрилмоқда.

Шу билан бирга, кейинги вақтларда республика ҳукуматига республика Давлат нефть маҳсулотлари билан таъминлаш комитети тизими ходимлари, автомобилга ёнилғи қуйиш жойларининг хизматчилари бензин бериш тартибини қўпол бузаётганлиги ва суиистеъмоллар ҳақида кўпгина шикоятлар тушмоқдаа.

Шу йил 23 август куни Давлат назорати, Ўзбекистон давлат стандартлари, Молия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги вакиллари, вазирликлар, концернлар ва бирлашмаларнинг мутахассислари ҳамда матбуот ходимлари иштирокида Тошкент шаҳри, Тошкент, Самарқанд, Сирдарё ва Жиззах вилоятларида ёнилғи қуйиш жойлари тўсатдан текширилди. Текшириш чоғида кўпгина ёнилғи қуйиш жойларига хос бўлган нуқсонлар ва суиистеъмоллар аниқланди.

Сирдарё вилоятида тартиб бузиш ҳоллари кўплиги аниқланди. «Сирдарё нефть маҳсулотлари» ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбарларининг ишга масъулиятсизлик ва бепарволик билан қараши натижасида уруш ва меҳнат ногиронларига ёнилғи берадиган 13-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш жойларига икки ойдан кўпроқ вақт ичида бензин келтирилмаган. Гулистон шаҳридаги давлат автомашиналарига ёнилғи қуйишга мўлжалланган 1-сонли ёнилғи қуйиш жойида шахсий автомобилларга бензин сотилган, бу эса молия интизомини қўпол равишда бузишдир. 16-сонли ёнилғи қуйиш жойининг ходимлари ҳисобот маълумотларини яшириб қўйганлар. Текшириш чоғида бу ҳисоботлар ва бензин талонлари иситиш тизими ичига яшириб қўйилганлиги аниқланди. Мазкур воқеалар нопок ходимларнинг меҳнаткашлар ва давлат ҳисобидан бойлик орттираётганлигини кўрсатади.

Истеъмолчиларга ёнилғи сотиш тартиби қўпол бузилишига, суиистеъмолларга йўл қўйгани, ишни назоратсиз қолдиргани учун «Сирдарё нефть маҳсулотлари» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг ўринбосари С. И. Йўлдошев, шунингдек Ховос ва Гулистон корхоналари ёнилғи қуйиш жойларининг бошлиқлари ва операторлари Ш. Орипов, Т. Нодиров, А. Маллаев, У. Бозоров, К. Пардабоев, У. Икромов, У. Зойитов, Н. Нуриллаев, Х. Тоштемиров ва О. Каримназаровлар ишдан бўшатилди. «Сирдарё нефть маҳсулотлари» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Э. Ж. Жўрабоев хизмат сафарида бўлганлиги сабабли унинг шахсий жавобгарлиги масаласи сафардан қайтганидан сўнг кўриб чиқилади.

Тартибни бузиш ҳоллари-га доир материаллар тергов органларига топширилди. Сирдарё вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари ўртоқ М. А. Ибодуллаевга вилоят автомобилларга ёнилғи қуйиш жойларидаги нуқсонларни бартараф этиш ва тегишли тартиб ўрнатиш чораларини кўриш таклиф қилинди.

Самарқанд вилоятидаги автомобилларга ёнилғи қуйиш жойларида ҳам катта нуқсонлар аниқланди. Чунончи Самарқанд шаҳридаги 3-ёнилғи қуйиш жойида 3-сонли бензоколонкада моддий бойликларни аераш тартиби бузилиб, муҳр олиб ташланган, қолган иккита колонка эса носоз аҳволда. Операторнинг ҳисоб журнали саҳифалари йиртиб ташланган, ишни моддий жавобгар шахсларга топшириш ва қабул қилиб олиш тўғрисидаги актлар йўқ.

Самарқанд шаҳридаги 20-сонли ёнилғи қуйиш жойида нефть маҳсулотларини ҳисобга олиш ва сарфига доир ҳужжатлар, бензин нархи тўғрисидаги эълонлар йўқ. Текшириш чоғида 50 минг сўм (100 сўмлик) пул топилди, оператор бу пул кимники ва қаердан олингани-ни айта олмади. Бундан ташқари ана шу ёнилғи қуйиш жойларида қўшиб ёзишлар ва бошқа қўпол нуқсонлар аниқланди.

Мазкур нуқсонлар ва суиистеъмоллар «Самарқанд нефть маҳсулотлари» ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбариятининг ишни назоратсиз қолдирганлиги ва тегишли чоралар кўрилмаганлиги сабабли содир бўлди.

Тартибнинг қўпол бузилишига йўл қўйгани учун «Самарқанд нефть маҳсулотлари» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори С. С. Раҳимов, бош директорнинг ўринбосари Б. С. Маҳмудов, бош муҳандис И. Н. Туриллин, катта механик Р. С. Акопян, ёнилғи қуйиш жойининг бошлиғи И. Иброҳимов, Самарқанд нефть таъминоти корхонасининг операторлари Т. Неъматов, М. Нажмиддинов, Ф. Каримов ишдан олинди.

Тошкент ва Жиззах вилоятларидаги автомобилларга ёнилғи қуйиш жойларида ҳам худди шунга ўхшаш нуқсонлар аниқланди. Тошкент районидаги 82, Келес шаҳридаги 32, Зафаробод қўрғонидаги 67, Қибрай районидаги 6, Тошкент шаҳридаги 48, Жиззах шаҳридаги 18, Пахтакор районидаги 23-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш жойларида турли нуқсонларга йўл қўйилмоқда: бензин кам қуйиляпти, нархномалар, йўриқномалар ҳамда ёнилғи-мойлаш материалларини сотишни тартибга солувчи бошқа ҳужжатлар йўқ. Автомобилларга ёнилғи қуйиш жойларининг ходимлари тушган пулни вақтида топширмаётирлар, бензин мавжуд бўлгани ҳолда сунъий равишда тақчилликни вужудга келтирмоқдалар, тунда эса оширилган нархларда сотмоқдалар. Бир қанча ёнилғи қуйиш жойларида ёнилғи қуядиган колонкалар носоз. Аниқланган барча тартиб бузиш ҳоллари юзасидан айбдорлар жазоланди.

Давлат нефть маҳсулотлари билан таъминлаш комитетининг раисига тартиб бузишларни тугатиш, айбдорларни вазифасидан четлаштиришга қадар жазолаш, материалларни тергов органларига топшириш юзасидан шошилинч чоралар кўриш топширилди.

Ҳозирги вақтда тармоқдаги салбий ҳодисаларга қарши курашни кучайтириш чоралари ва бутун бошқарма тизимини тубдан қайта қуриш масалалари Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқилмоқда.

„ОИНАИ ЖАҲОН“ДА КЎРИНГ

7—13 сентябрь

Душанба, 7. IX

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Филча ва мактуб», «Маҳмадона». Мультфильмлар.
18.30 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Ишбилармон кишилар».
19.50 М. Қориев. «Бир кеча достони». Теленовелла.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 Ўзбекистон халқ артисти Ғуломжон Ёқубов куйлайди.
22.00 «Севги сароблари». Бадиий фильм.
23.35 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

Ўқув кўрсатувлари
10.30 Физика. Электромагнит индукцияси.
11.00 «Кукурегу». Телефильм.
11.30 Жуғрофия. Ўрта Осиё ва Қозоғистон рельефининг асосий шакллари.

* * *

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ
18.30 Болалар учун. «Совға».
19.00 «Ассалому алайкум».
20.00 «Лаҳза». Хабарлар.
20.10 «Билиб қўйган яхши».
20.25 «Маърифат фидойилари».
20.55 Кичик концерт.
21.15 «Лаҳза». Хабарлар.
21.25 «Азизим, меҳрибоним онам...». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

4.55, 17.20, 20.20, 23.20 —Кўрсатувлар тартиби.
5.00 «Якунлар».
5.45 «Тонг».
8.00 Янгиликлар.
8.20 «Биринчи қон чиққунча». Бадиий фильм.
9.43 «Цирк майдонида қўтослар». Фильм-концерт.
10.20 Мультфильмлар: «Тулкилар қандай қилиб товуқлар билан дўстлашди», «Ксюша ва Компьюша ҳақида».
11.00 Янгиликлар.
11.20 «Бахтли тасодиф».
12.20 «Умид аргументлари».

* * *

14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.20 «Ҳордиқ чиқаринг».
14.35 «Телемикст».
15.20 «Ён дафтар».
15.25 «Уолт Дисней таништиради...».
16.15 Болалар ва ўсмирлар учун телевизион кўрсатувлар III халқаро фестивали да. Жанубий Сахалиндан кўрсатилади.
17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
17.25 Давлатлараро «Останкино» телеканали МДҲ мамлакатлари ягона ахборот маконини тузишга бағишланган программани таништиради.
17.55 «ТВ-Нева», «Россия фермери» I Бутунжаҳон ярмаркаси ҳафталиги. 6-кўрсатув.
18.20 «НЭП».
18.45 «Ўт қўювчи». Телевизион фильм-спектакль премьераси.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.25 «Спорт уик-энди».
20.40 «Ўт қўювчи». Телевизион фильм-спектаклнинг давоми.

«Янги студия» таништиради
21.10 «Бомонд».
21.25 «Федерико каталоги». Кўрсатув кинематографияда шахснинг роли ҳақида.
21.45 «Бироқ».
22.00 «ТУ-галерея».
22.30 «Вазият», «Оққуш».
23.00 Янгиликлар
23.25 «Қалбим». Телефильм.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.00 Хабарлар.
7.20 Ишбилармон кишилар даври.
7.50 «Оқ қарға».
8.35 «Ҳали англанмаган қонот».
9.20 Сиёсатшунос билан интервью. Ги Сорман. (Франция).
9.30 Камера ўтмишни тадқиқ этади. «Резидент Рихард Зорге». 1 ва 2-серия.
10.55 Ишдан бўш пайтингизда. «Қушлар биз билан ёнмаён».
11.10 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
11.30 Теннис бўйича АҚШнинг очиқ чемпионати.
12.20 Кундузги сеанс. «Кемадагилар, эшитяпсизми?». Бадиий фильм.

* * *

14.30 Болалар соати (инглиз тили дарси билан).
15.30 «Учинчи фариштa».
16.00 Янгиликлар.
16.15 Трансросафир. «Ҳар ким ўзи учун танлайди...».

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
17.00 «Сезам» кўчаси.
17.30 Хабарлар.
17.45 Болалар даврасида.
18.00 «Омад».
18.30 Ҳужжатли фильм.
19.00 Хабарлар.
19.20 Осиё тароналари.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
19.30 Душанба куни детектив. «Бугуннинг аёли». Бадиий фильм.
20.56 Эълонлар.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.02 Хабарлар.
21.20 «Эҳ, қўшниси тушмагур-лар».
21.45 «Жонанда».
22.15 «Турникет». Мусобақалар.

Сешанба, 8. IX

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 Футбол. Ўйинғоҳлардан дараклар.
7.35 «Қалдирғоч». Фильм-концерт.
8.15 «Севги сароблари». Бадиий фильм.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Топчумба». Мультфильм.
18.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Тележарида».
18.55 «Спортлото».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Қонун барчага баробар».
19.50 «Кабутарим» «Ўзбектелефильм» премьераси.
20.00 Эстрада концерти.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 Ҳукумат тадбирлари.
21.30 «Унутилмас сатрлар». Ҳўжа Аҳмад Яссавий.
22.45 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

Ўқув кўрсатувлари
10.30 Информатика. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари фани ҳақида умумий тушунчалар.
11.00 «Меҳр излаб». Телефильм.
11.30 Кимё. Электролитлар.

* * *

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ
18.30 «Субҳидам».
19.30 «Қалбларга илиқлик бағишловчи уй».
19.50 «Шарқ лирикаси».
20.15 Долзарб мавзуларда суҳбат.
20.35 Мусиқий дақиқлар.
21.05 «Бу оқшомда» кўрсатуви саҳифаларида.
22.15 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

4.55, 14.20, 17.20, 20.20, 23.20 —Кўрсатувлар тартиби.
5.00 Янгиликлар.
5.35 «Тонг».
7.50 Эрталабки гимнастика.
8.00 Янгиликлар.
8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
9.05 «Ут қўювчи». Телевизион фильм-спектакль.
10.35 Футбол шарҳи.
11.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
11.20 «Будулайнинг қайтиши». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия.

* * *

14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.25 «Ишбилармонлар хабарномаси».
14.40 «Ён дафтар».
14.45 И. С. Бах. «Бранденбург концерти». «Виртуози Москви» камер оркестри ижро этади.
15.00 «Уолт Дисней таништиради...».
15.50 Япония телевидениесининг кўрсатувлари. «Роботлар мусобақаси».
17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
17.25 Давлатлараро «Останкино» телеканали «Сочма олтин конлари» кўрсатувини таништиради (Беларусь).
17.50 Футбол шарҳи.
18.15 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
19.00 «Мавзу».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.20 «КТВ-I» ҳамда «Франс интернасиональ» канали таништиради. «Хемингуэй». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия.
22.00 «Фермата». Ахборот-мусиқий кўрсатув.
22.20 «Қора қути». «Ядро қуролининг сири». I-кўрсатув.
23.00 Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.00 Хабарлар.
7.20 Ишбилармон кишилар даври.
7.50 Е. Смолянинова ижросида қадимий рус романслари ва қўшиқлари.
8.25 «Уз-ўзингга режиссёр».
8.55 Ишдан бўш пайтингизда. «Диққат, сувратга олялпман».
9.10 Кундузги сеанс. «Нозик оҳулар ўлими». Бадиий фильм.
10.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
11.00 Телебиржа.
11.30 Теннис бўйича АҚШнинг очиқ чемпионати.

* * *

14.35 «Бдабоки». Мактабгача ёшдаги болалар учун кўрсатув (Франция).
15.05 Мульти-пульти: «Агар мен дадамнинг ўрнида бўлганимда».
15.15 «Рост» студияси. «Артзона».
15.45 Янгиликлар.
16.00 «Асил ҳолича».

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
17.00 «Сезам» кўчаси.
17.30 Хабарлар.
17.45 Халқ рақслари.
18.00 «Беҳаловат оила».
18.30 «Бир томчи сув учун». Ҳужжатли фильм.
19.00 Хабарлар.
19.20 «Қўшиқлар китоби».
20.05 «Фосфор ҳалқаси».
21.00 Хабарлар.
21.20 «Соғлиқ оламига саёҳат». Ҳужжатли фильм.
21.45 «Коктейль».
22.30 Эранда Туркия киноси.

Чоршанба, 9. IX

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Ботир Зокиров». Фильм-концерт.
8.05 «Ўзбекистон спорти». Тэквондо бўйича жаҳон биринчилиги мусобақаси олдидан.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Соябон — менинг ҳамроҳим», «Зангори филча». Мультфильмлар.
18.30 «Деҳқон хўжаликларида».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Адабиёт элчилари».
19.55 «Дирижёр ҳикоя қилади».
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 «Истиқлол йўли». Видеофильм.
21.50 «Чақноқ юлдузлар». Киноконцерт.
22.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

Ўқув кўрсатувлари
10.30 Ботаника. Усимликларнинг табиатдаги аҳамияти.
11.00 «Шоирлар ҳиёбони». Телефильм.
11.35 «Қалдирғочлар баҳорда учиб келади». Бадиий фильм.

* * *

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ
18.30 «Янги авлод таништиради...». Мультфильмлар тўплами.
19.20 «Спринт».
19.40 «Рақслар, рақслар..».
20.30 «Ишбилармонлар».
21.10 «Нормандия-Неман». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

4.55, 14.20, 16.55, 20.20, 23.20— Кўрсатувлар тартиби.
5.00 Янгиликлар.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» МУШТАРИЙЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Обуна баҳоси: ● Бир йилга — 384 сўм. ● Ярим йилга — 192 сўм ● Уч ойга — 96 сўм.

Эслатма: обуна масалалари бўйича муаммолар ва фикр-мулоҳазалар хусусида қуйидаги телефанларга мурожаат этишингизни сўраймиз:

33-79-14 33-65-45
33-72-83 33-21-43

5.35 «Тонг».
7.50 Эрталабки гимнастика.
8.00 Янгиликлар.
8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм промьераси.
9.50 «Янги авлод танлайди».
10.40 А. Хачатурян. М. Лермонтовнинг «Маскарад» драмасига ёзилган мусиқадан сюита.
11.00 Янгиликлар.
11.20 «Будулайнинг қайтиши». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия.

* * *

14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.25 «Телемикст».
15.10 «Ён дафтар».
15.15 «Уолт Дисней таништиради...».
16.05 Болалар ва ўсмирлар учун телевизион кўрсатувлар III халқаро фестивали да. Жанубий Сахалиндан кўрсатилади.
16.15 «Космик марафон».
17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
17.20 «Око» студияси таништиради.
18.00 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
18.45 «Катта сайл». Телевидение оламида 60 дақиқа.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.25 «КТВ-I» ҳамда «Франс интернасиональ» канали таништиради. «Хемингуэй». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-серия.
22.05 «Қора қути». «Ядро қуролининг сири». 2-кўрсатув.
22.45 Л. Власенко чалади (фортепиано).
23.00 Янгиликлар.
23.25 Япония телевидениесининг кўрсатувлари. «Японияниинг спорт анъаналари».

Пайшанба, 10. IX

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 Футбол. Ўйинғоҳлардан дараклар.
7.35 «Танбур». «Узкинохроника» премьераси.
8.05 «Пўлат ва Баҳор». Бадиий фильм.
9.20 Камер куйларидан концерт.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Кичик дўстларимиз саргузашти». Мультфильм.
18.25 «Алифбо сабоқлари».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Эл тинчлиги йўлида».
19.55 «Тилга эътибор...».
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 Ҳукумат тадбирлари.
21.30 «Нодира лирикаси». Шоира таваллудининг 200 йиллиги олдидан.
22.20 Футбол. Ўзбекистон биринчилиги. Олий лига. «Пахтакор» — «Навбаҳор» (Наманган). «Қибрай» ўйинғоҳидан олиб кўрсатилади. (ёзиб олинган).
23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

Ўқув кўрсатувлари
10.30 Биология. Биология фанининг ривожланишига Беруний ва Ибн Синоларнинг қўшган ҳиссалари.
11.00 «Мусиқа дарси». Телефильм.
11.30 Ўзбек халқи тарихи.

* * *

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ
18.30 «Табассум».
19.00 «Театр учрашувлари».
20.00 «Пульс». Хабарлар.
20.10 «Бу оқшомда».
21.20 «Пульс».
21.30 «Тўртинчи доирадаги бир кеча». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

4.55, 14.20, 17.20, 20.20, 22.55— Кўрсатувлар тартиби.
5.00 Янгиликлар.
5.35 «Тонг».
7.50 Эрталабки гимнастика.
8.00 Янгиликлар.
8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
9.50 «Космик марафон».
10.30 «Мўъжизасиз-мўъжизалар».
11.00 Янгиликлар.
11.20 «Будулайнинг қайтиши». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия.
12.25 «Числосиз кун». Телевизион бадиий фильм.
12.55 «Кўршапалак». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.

* * *

14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.25 «Телемикст».
15.10 «Ён дафтар».
15.15 «Уолт Дисней таништиради...».
16.05 Болалар ва ўсмирлар учун телевизион кўрсатувлар III халқаро фестивали да. Жанубий Сахалиндан кўрсатилади.
16.20 Бизнинг мусиқий клубимиз. «Буратино таклиф этади». Ўсмирлар учун мусиқий кўрсатув.
17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
17.25 «Қизча ва масхарабоз». Мультфильм.
17.35 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
18.15 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
19.00 Фондаги суврат. «Грузия: август — сентябрь».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.25 «Европа плюс... ва плюс... ва плюс...». Телевизион бадиий фильм премьераси («Союзтелефильм» ҳамда «Театр» ижодий ишлаб чиқариш фирмаси).
21.35 Япония телевидениесининг кўрсатувлари. «Ялангоч қолганлар байрами».
22.20 Л. Штанько куйлайди.
23.00 Янгиликлар.
23.20 «Олтин Европа» фестивали.
23.50 Хоккей. Лига кубоги. «Динамо» (Москва) — МАСК. 2 ва 3-даврлар. В. И. Ленин номли Марказий ўйинғоҳнинг кичик спорт майдонидан кўрсатилади.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.00 Хабарлар.
7.20 Ишбилармон кишилар даври.
7.50 Сиёсатдонлар. А. Собчак.
8.30 Рақс марафони. Бал рақслари танлови. Европа программаси.
9.15 «Кечки салон» — эрталабки эфирда.
10.45 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
11.05 В. Степанов рус қўшиқлари ва романсларини куйлайди.
11.30 Теннис бўйича АҚШнинг очиқ чемпионати.
12.20 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 72-серия.

* * *

14.25 «Россия — Япония: ҳамкорлик йўллари».
14.55 «Пилигрим».
15.55 Янгиликлар.
16.10 Кичик мусиқий кечалар. «Вертинскийни хотиралаб».
16.40 Эълонлар.
16.45 «Келинг, аниқлаб олайлик».

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
17.00 «Сезам» кўчаси.
17.30 Хабарлар.
17.45 «Ёшлар».
18.15 «Ислом маданият ёдгорликларида».
19.00 Хабарлар.
19.20 Концерт.
20.10 «Катта опа». Видеофильм.
20.55 Манзарали фильм.
21.00 Хабарлар.
21.20 Спорт.
21.50 «Бизнинг қўлларимиз».

Жума, 11. IX

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Хотира билан суҳбатлар». Телефильм.
8.00 «Огарёв кўчаси, 6-уй». Бадиий фильм.
9.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Нишона».

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 Мультфильм.
18.20 Болалар учун. «Ором» чечаклари».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Замин саховати».
19.50 Ўзбекистон халқ ҳофизи Жўрахон Султонов қўшиқлари.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 Долзарб мавзу.
21.15 «Ойдин кечалар». Ёшлар учун дам олиш кўрсатуви.
22.15 «Армон». Бадиий фильм.
23.45 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

АШГАБАТ КЎРСАТАДИ
17.05 «Насиба». Фильм-концерт.
17.45 Ўқитувчилар клуби.
18.25 «Хатларингиз асосида».
19.05 «Анна пенди».
19.15 «Иқтисодиёт ва ҳаёт» (рус тилида).
20.00 Янгиликлар (рус тилида).
20.15 «Эдеп».
20.45 Кичкинтойлар, сизлар учун!
21.00 «Ватан» ахборот кўрсатуви.
21.45 Кулги кечаси.
22.15 «Бефайз якшанба». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

4.55, 14.20, 17.20, 20.20 —Кўрсатувлар тартиби.
5.00 Янгиликлар.
5.35 «Тонг».
7.50 Эрталабки гимнастика.
8.00 Янгиликлар.
8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм.
9.05 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан).
9.50 «Алиса мўъжизалар мамлакатида». Мультфильм.
10.20 «Бизнинг мусиқий клуб».
11.00 Янгиликлар.
11.20 «Будулайнинг қайтиши». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия.
12.25 «Оила». Қисқа метражли телевизион бадиий фильм.
12.50 «Кўршапалак». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.

* * *

14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.25 «Бридж».
14.50 «Бизнес-класс».
15.05 «Ён дафтар».
15.10 «Уолт Дисней таништиради...».
16.00 Болалар ва ўсмирлар учун телевизион кўрсатувлар III халқаро фестивали да. Жанубий Сахалиндан кўрсатилади.
16.20 «Марказ».
17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
17.25 «Максима».
17.55 «Инсон ва қонун».
18.25 «Қора кўркам от саргузаштлари». Болалар учун кўп серияли телевизион фильм премьераси. 9-серия.
18.50 «Мўъжизалар майдони».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.25 «Детективлар клуби»да «Ҳеч қачон «Ҳеч қачон» деб айтма» америка бадиий фильми.
22.45 «Оқ капалак», «Сўзсиз воқеа». Катталар учун мультфильмлар.
23.00 Янгиликлар.

«ВИД» таништиради:
23.20 «Музобоз».
24.00 «Ҳордиқ чиқаринг».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.00 Хабарлар.
7.20 Эълонлар.
7.25 Ишбилармон кишилар даври.
7.55 «Нота бене» студияси.
8.35 Уз ишининг усталари. «Самойловнинг табассуми».
9.30 «М-трест».
9.45 «Россия учун мўътабар кунда...». Бородино жангининг 180 йиллигига бағишланган кўрсатув.
10.40 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 73-серия.
11.30 Теннис бўйича АҚШнинг очиқ чемпионати.
12.20 Ишдан бўш пайтингизда. «ТВ-ателье».
12.35 «Деҳқонларга тааллуқли масала».

* * *

14.25 Телебиржа.
14.55 «Танаффус». Валерий Агафонов куйлайди.
15.10 «Ўхшаш дунёлар».
15.55 Янгиликлар.
16.10 «Жаноблар-ўртоқлар».
16.25 «Кичкинтой тили билан».
16.55 Эълонлар.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
17.00 «Сезам» кўчаси.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
17.20 «Уолт Дисней санъати».
19.15 «Ҳар бир кун байрам».

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
19.25 Концерт.
20.00 «Елгизлар». Видеофильм.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.00 Хабарлар.
21.20 Эълонлар.
21.25 «К-2» кинозали. «Интервенция». Бадиий фильм.
23.10 «Аммо, лекин...».
23.40 «Хроно». Авто ва мотоспорт оламида.
00.10 Спорт хабарлари.

Шанба, 12. IX

● ЎзТВ I

7.00 «Ассалому алайкум».

*

8.00 «Париларнинг кузги совғаси». Бадиий фильм.
9.20 М. Қориёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармонияси «Шодлик» ашула ва рақс ансамблининг яккахони Мурод Соҳибов концерти.
9.50 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Иш билганга — минг танга».
10.25 «Олам кўрки сиз билан». Публицистик кўрсатув.
11.25 «Ёшлик базми».
11.55 «Учрашув». Адабий кўрсатув.

* * *

18.00 «Ғаройиб саргузашт». Мультфильм.
18.15 Ўсмирлар учун. «Тенгдошлар».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Мулоҳаза». Адабий асарлар — экранда.
20.30 «Туркистон» ахбороти.
21.00 «Зебо, Зиёда ўйнар». Фильм-концерт.
21.30 Телевизион миниатюралар театри.
22.30 «Тараддуд». XI халқаро Тошкент кинофестивали олдидан.
23.30 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

АШГАБАТ КЎРСАТАДИ
11.00 Янгиликлар.
11.10 Мультфильмлар тўплами.
11.55 Болалар учун фильм. «Чавандозлар». 1-серия (рус тилида).
13.00 «Оба дурмуши». «Ҳосил-92».

* * *

17.05 «Ўзбекистоннинг ёш истеъдодлари» (рус тилида).
17.45 «Ғунча».
18.30 «Ашиқ айдин заминида байрам».
20.00 Янгиликлар (рус тилида).
20.15 «Осиё овози». Концерт.
20.45 Кичкинтойлар, сизлар учун!
21.00 «Ватан» ахборот кўрсатуви.
21.45 «Едиген». Адабий кўрсатув.
22.45 Телеэкранда биринчи марта. «Болалик қасамёди». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

5.40, 20.20, 22.55— Кўрсатувлар тартиби.
5.45 Эрталабки гимнастика.
5.55 «Ишбилармон кишининг шанба тонги».
6.55 Янгиликлар.
7.30 «Спорт-имконият».
8.00 «Қандай қилиб муваффақиятга эришиш мумкин!».
8.15 «Марафон-15» — кичкинтойларга».
8.40 «Бумеранг».
9.10 «Труба» радиоси. Дам олиш кўрсатуви.
9.40 Тиббиёт сиз учун.
10.20 «Қойил».
11.20 «Останкино» концерт студиясида ёзувчи Э. Лимонов билан учрашув.
12.20 Экологик хроника.
12.35 Баскетбол. Европа чемпионлари кубоги. МАСК (Москва) — «Комадор» (Голландия).
13.05 Япония телевидениесининг кўрсатувлари. «Одам бадани: янги ҳаётнинг туғилиши».
14.00 Янгиликлар.
14.20 «Сиз бунга қодирсиз».
15.00 «Иккинчи воқелик». Телефильм премьераси. 2-фильм — «Ороллар».
16.05 Болалар ва ўсмирлар учун телевизион кўрсатувлар III халқаро фестивали. Жанубий Сахалиндан кўрсатилади.
16.25 «Сахий ўрмон». Мультфильм.
16.40 «Қизил квадрат».
17.20 «Ҳайвонот оламида».
18.00 «Ёнотлар». Кўп серияли мультфильм. 4-серия.
18.25 «Нобуд бўлган альпинист» ёндаги меҳмонхона». Бадиий фильм.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.25 «Брэйн-ринг».
21.25 «Бу ўтли рақс».
22.20 «Граф харобаларидаги монологлар». Телефильм.
22.50 П. И. Чайковский. «Славянча марш». Россия миллий симфоник оркестри ижро этади. Дирижёр — М. Плетнев.
23.00 Янгиликлар.
23.20 Қўшиқчи Игорь Тальков хотирасига бағишланган кўрсатув.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.00 Хабарлар.
7.20 «Ибодатхона томон йўл».
8.00 Спорт олами «Жиллетт» фирмаси нигоҳи билан.
8.30 «03» кўрсатуви.
9.00 А. Битов ва М. Жванецкий —М. Зощенко ҳақида.

10.00—13.15
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДУСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ «Ҳамдўстлик» кўрсатуви.
«Бизнинг мирас» (татар тилида).
«Калейдоскоп».
«Дўстлар даврасида».

*

13.15 «Қандай яшаймиз?».
14.00 Кундузги сеанс. «Афсунгарларни ўғирлаш». Бадиий фильм.
15.40 «Бурда моден» таклиф этади.
16.10 «Винил чангалзорларида».

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
16.40 Концерт.
17.30 Хабарлар.
17.45 Концерт.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.05 Ойнаи жаҳонда — премьера. «Ханусен». Бадиий фильм (Венгрия, ГФР).
20.00 «Келинг, аниқлаб олайлик».
20.15 «А» программаси.
21.00 Хабарлар.
21.20 «Жанр излаб». Леонид Филатов.
22.55 Теннис бўйича АҚШнинг очиқ чемпионати.

Якшанба, 13. IX

● ЎзТВ I

7.00 «Субҳидам».

*

8.00 «Туркистон» ахбороти.
8.30 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Мио болагинам, Мио». Бадиий фильм.
10.10 «Ўзбекистон спорти».
10.40 «Элга хизмат — олий ҳиммат».
11.10 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ватанпарвар».
12.10 Халқ севган достонлар. Бола бахши ижросида «Бозиргон» достони.

* * *

18.00 «Басат — паҳлавон». Мультфильм.
18.30 «Футбол майдонларида».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Катталар учун мультфильм.
19.40 «Шодиёна таралган оқшом». Мусиқий кўрсатув.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 «Олтин остона». Бадиий кўрсатув.
22.00 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Қадрдон қирғоқлар». Бадиий фильм.
23.30 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

АШГАБАТ КЎРСАТАДИ
11.00 Янгиликлар.
11.10 Мультфильмлар тўплами.
11.45 Болалар учун фильм. «Чавандозлар». 2-серия (рус тилида).
13.00 «Туркмен сесни». Тележурнал.

* * *

БИШКЕК КЎРСАТАДИ
19.05 «Истеъдодли хўтик». Мультфильм.
19.15 «Кўхитонг». Телефильм.
19.30 «Ала-Тоо».
19.50 «Сибизги». Мусиқий журнал.
20.35 «Новинки» киноклуби (рус тилида).
21.55 «Ир десте».

● «ОРБИТА IV»

5.15, 13.55, 20.55 — Кўрсатувлар тартиби.
5.20 Руҳни чиниқтириш.
6.20 «Спортлото» тиражи.
6.35 «Қизил томоқ». Мультфильм.
6.55 Янгиликлар.
7.30 Болгария фольклор жамоаларининг концерти.
8.00 Эрта саҳарлаб. «Глэдер оиласининг саргузашти». Кўп серияли мультфильм премьераси (Франция).
8.30 Япония телевидениесининг кўрсатувлари. «Қордаги олмалар».
9.00 «Тўс-тўполон». Мультфильм.
9.30 «Ҳамма нарса бўлиши мумкин».
10.00 «Тонг юлдузи».
10.50 «Марафон-15».
11.40 Киноҳақиқатми! «Кубань казаклари». Бадиий фильм.
14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.15 Кўп серияли илмий-оммабоп фильм.
15.15 «Саёҳатчилар клуби».
16.05 «Телелоция».
16.20 Эфирда бевосита мулоқот.
17.00 «Уолт Дисней таништиради...».
17.50 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.05 Я. Сибелиус. «Ғамгин вальс».
18.15 «Панорама». Ҳафталик халқаро кўрсатув.

Якшанба кинокўрсатуви
18.55 Кино янгиликлари.
19.30 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Болалар» бадиий фильми. («Мир» кинофирмаси).
21.00 «Якунлар».
21.45 «Цунами». Н. Задорнов романлари асосида бадиий-публицистик фильм. Кўрсатувни М. Задорнов олиб боради.
22.45 Халқ куйлари.
23.00 Янгиликлар.
23.15 «Париж — Москва —Пекин» авторалиси.
23.45 «Монро ва Мадонна».
00.45 «Мюнхгаузен клуби». Дам олиш кўрсатуви.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.00 Хабарлар.
7.20 «Чашмалар».
8.00 «Хоҳ ишонинг...».
8.30 Теннис бўйича АҚШнинг очиқ чемпионати.
9.50 «Қироллиқдаги саргузашт». Қўғирчоқ мультфильм.

10.15—12.50
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДУСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ «Рангинкамон» (тожик тилида).
«Манбалар».
«Интерспорт».
«Ҳамкорлик».
«Сизни кутлаймиз».

12.50 «Доразмон». Мультфильм премьераси (Япония). 1 ва 2-серийлар.
13.25 Россиянинг телевизион театри. Л. Пантелеев. «Аминман».
14.30 Спорт кўрсатуви.
14.55 Стас Намин маркази (Эсэн-си) таништиради: «Сариқ сув остн қайиғи» клуби».
15.25 Голливуд классик фильмлари фестивали. «Декамерон туннари». Бадиий фильм.
16.55 Эълонлар.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
17.00 Турк енгил мусиқаси.
17.30 Хабарлар.
17.45 «Юзма-юз».
18.30 «Денгиз юмушлари». Ҳужжатли фильм.
19.00 Хабарлар.
19.20 Манзарали фильм.
19.30 Мусиқа кечаси.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.15 Рақс марафони. Бал рақслари танлови. Лотин Америка рақслари программаси.
20.55 Эълонлар.
21.00 Хабарлар.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.20 «Пазар-92».
23.20 «Мавзу».
23.35 «Суврат».

«Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз» ҳафтаномасининг 4 сентябрь сонидан олинди.

Бош муҳаррир
Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

● Бизнинг манзилгоҳимиз: 700000, ТОШКЕНТ — ГСП ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.
● Мурожаат учун телефонлар: Қабулхона — 32-55-15.
Ахборот-тижорат хизмати 32-54-14.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмахонаси.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади ● Босишга топшириш вақти — 21.00, топширилди—21.00.
Г—340. № 176. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.